

**“Агробанк” АТБ Uzcard-EMV сўм пластик карталарини хўжалик юритувчи субъект ходимларига фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА**

201__ йил “_____” _____

- сонли

_____ шаҳри

“Агробанк” ОАТБ номидан Ишончнома асосида иш юритувчи банкнинг _____ шаҳар (туман) филиали бошқарувчиси _____ бир томондан БАНК сифатида ва _____ номидан _____ асосан иш олиб боровчи унинг раҳбари _____ иккинчи томондан ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ сифатида, хужалик юритувчи субъект ходимлари иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларни “Агробанк” АТБ томонидан чиқарилган Uzcard-EMV сўм пластик карталари орқали олиш ҳақида ушбу шартномани туздилар:

Шартноманинг предмети

Ушбу шартнома хужалик юритувчи субъект ходимларига очиладиган махсус сўм карта ҳисоб варақлари орқали иш ҳақи олиш учун сўм пластик карталарини бериш, очилган махсус сўм пластик карта ҳисоб варақларига хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда шартларидан келиб чиқадиган БАНК ва ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

1. Асосий тушунчалар

- 1.1. “Пластик карта” Банк томонидан эмиссия қилинган амалда бўлган сўмдаги пластик картани билдиради.
 - 1.2. “Пластик карта эгаси” сўмдаги пластик картани вақтинчалик фойдаланиш учун олган ва пластик карта бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс эмитент банкнинг мижозидир. Сўмдаги пластик карта банк томонидан пластик карта эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун берилди ва банкнинг мулки ҳисобланади.
 - 1.3. “СМКХВ” Банкда пластик карта эгаси номига очилган сўмдаги махсус карт ҳисобварағини англатади.
 - 1.4. “Шартнома” ушбу шартнома, барча иловалар ва унга қўшимчаларни билдиради.
 - 1.5. “Корхона/Ташкилот” Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва хизматлар юзасидан пластик картани тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс (дўкон, меҳмонхона, ресторан ва бошқалар)ни англатади.
 - 1.6. “Транзакция” пластик карта эгаси томонидан пластик карта ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай тўлов ёки нақд пуллар олиншини билдиради.
 - 1.7. “ШИР” пластик карта эгаси томонидан карт воситасида амалга ошириладиган қуйидаги операцияларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш учун мўлжалланган шахсий идентификация рақами (ШИР рақами турт сондан кам булмашлиги лозим, пластик карта эгасининг электрон имзоси)ни англатади:
 - нақд пул маблағларини банкоматлар (қартлар бўйича нақд пулларни бериш учун мўлжалланган банк электрон автомат-кассирлар) орқали олиш;
 - савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар учун тўловлар;
 - карт бўйича маълумот-ахборот олиш;
 - масофадаги операцияларни амалга ошириш.
 - 1.8. “Тўловларни қайтариш” Банк томонидан белгиланган шаклда пластик карта эгасининг сўмдаги махсус карт ҳисобварағини кредитлаш учун транзакциялар борасида Корхона/Ташкилот томонидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиш маъносини билдиради.
 - 1.9. “Банкомат” пластик карта эгасига қуйидагиларни амалга ошириш имконини берувчи электрон қурилма маъносини англатади:
 - ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибда касса бўлақларини ва амалга ошириладиган операциялар бўйича тўлов чекларини олиш;
 - ўзининг пластик картаси билан агар банкомат “On-line” (реал иш режими)га уланган бўлса қуйидаги асосий операцияларни ўтказиш – кириш паролларини ўзгартириш, пластик карта баланси юзасидан ахборот ва банкдаги ўз ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш.
 - 1.10. “Банк тарифи” пластик карталар бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифини билдиради.
 - 1.11. “Uzcard_client.exe” дастури бу – корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ходимлари рўйхатини ҳамда иш ҳақи кайдномаларини электрон шаклда банкка тақдим этиш учун мўлжалланган дастурий восита.
 - 1.12 “Стоп лист” деганда йўқотилган, амалда бўлмаган, уғирланган, носоз холга келтирилган ёки амал қилиш муддати тугаган пластик карталар руйхати тушунилади.
- Изоҳ: Пластик картани амал қилиш муддати 3 йил. Амал қилиш муддати тугаган карта яроқсиз карта ҳисобланади.*

2. Умумий қоидалар

- 2.1. Мазкур шартнома сўмдаги махсус карт ҳисобварағи, пластик карта ва пластик карта эгасига нисбатан қўлланади ҳамда банк ва пластик карта эгасининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаб беради.
- 2.2. Пластик карта эгаси пластик карта олиш учун Банкда сўмдаги махсус карт ҳисобварағи очиши лозим. Бунда хужалик юритувчи субъект ходими банк томонидан белгиланган, пластик карта ҳисобварағини очиш ҳақидаги ариза, паспорт нусхаси ҳамда Банк ва Ходим ўртасида тузилган шартнома тақдим қилингандан сўнг очилади.
- 2.3. Пластик карта амал қилишининг бутун муддати мобайнида банкнинг мулки саналади ва амал қилиш муддати тугаганида, алмаштириш чоғида, сўмдаги махсус карт ҳисобварағидаги қолдиқ суммасидан агар мижоз картанинг жаримаҳини тўламаган тақдирда банкнинг талабига қўра картанинг жаримаҳига етадиган қисми банкка ундирилиши лозим.

3. Банкнинг мажбуриятлари

- 3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- 3.2. Мазкур шартнома тузилганидан сўнг, ҳужалик юритувчи субъект ходимларининг пластик карта ҳисоб варағларига хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов топшириқлари ва кайдномаларига асосан иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни банк тарифларига асосан ўтказиш.
- 3.3. Мазкур шартномага асосан корхона ходимларига вақтинча фойдаланиш учун Агробанкнинг сўм пластик картасини бериш.
- 3.4. Сўм пластик картасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект ходимларига пластик картаси орқали нақд пул бериш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағлар) ёки хўжалик юритувчи субъект ходимининг аризасига асосан унинг пластик карта ҳисобварағидан бошқа банк ҳисобварағига пул ўтказиш.
- 3.5. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, белгиланган тартибда рўйхат ва кайдномалар тақдим этилган тақдирда ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ходимларнинг банк пластик карта ҳисобварағига ўтказиш хизматини кўрсатиш.
- 3.6. БАНК томонидан ўрнатилган тартибда ариза тақдим этилгандан сўнг хўжалик юритувчи субъект ходимларининг йўқолган ёки ўғирланган сўм пластик карталари ҳақидаги маълумотларни 1(бир) соат ичида Стоп-лист рўйхатига киритиш.
- 3.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 786-моддаси ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси талабларига мувофиқ ҳужалик юритувчи субъект ходимларининг махсус сўм пластик ҳисобварақлари бўйича операцияларни сир сақлаш.

4. Хўжалик юритувчи субъект мажбуриятлари

- 4.1. Ҳужалик юритувчи субъект қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
- 4.2. Банк томонидан ўрнатилган тартибда ўз ходимларининг Банкдаги махсус сўм ҳисобварақларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган муддатларда ўтказиб бериш.
- 4.3. Банк томонидан ўрнатилган банккоматдан ёки терминалдан белгиланган тартибда фойдаланиш.
- 4.4. Банк томонидан ўрнатилган кун тартибига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлари ҳамда қўлланмалари талабига амал қилиш.
- 4.5. Шартнома имзоланган кундан сўнг хўжалик юритувчи субъектнинг вакили томонидан ўз ходимларига пластик карта ҳисобварағи очиш учун белгиланган шаклда маълумотларни Банк бошқарувчисига тақдим этиш.
- 4.6. Хўжалик юритувчи субъект “Uzcard_client.exe” дастури доимий соз ҳолатда туриши, ушбу дастур ўрнатилган компьютерни ҳар хил ташқи таъсирлардан ҳимоялаш (антивирус ўрнатилган бўлиши шарт) ҳамда корхонанинг масъул шахсларидан бирига жавобгарлигини бириктириб, белгиланган тартиб асосида фойдаланиш.

5. Ҳисоб-китоб тартиби

- 5.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир ишчи ходимлари белгиланган тартибда пластик карталарни банкдан олади.
- 5.2. Хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари томонидан йўқотилган/яроқсиз ҳолатга келтирилган, амал қилиш муддати тугаган ҳар бир пластик карта учун агарда корхона ходимидан картанинг жаримасини (жарима) ундириш имконияти бўлмаган тақдирда корхона белгиланган тариф асосида жарима тўлайди.
Изоҳ:Пластик картани амал қилиш муддати 3 йил. амал қилиш муддати тугаган карта яроқсиз карта ҳисобланади.
- 5.3 Ҳужалик юритувчи субъект ходими ишдан бўшаганида Банк томонидан тақдим этилган пластик картани Банкка кайтариб топшириши шарт, топширилмаган тақдирда ҳар бир пластик картанинг жаримасини хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобракамидан ундирилади.

6. Банкнинг ҳуқуқлари

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 6.1. Амалга оширилаётган ўтказмаларнинг тўғрилиги ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш.
- 6.2. Кўрсатилган банк хизматлари учун Хўжалик юритувчи субъектдан ўз вақтида ҳақ олиш.
- 6.3. Пластик карталар бўйича хизмат қурматиш тарифини бир томонлама белгилаши ва улар бўйича ўзгартириш киритиш.

7. Корхонанинг ҳуқуқлари

- 7.1. Ҳужалик юритувчи субъект қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 7.2. Ўтказиладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида (бир банк иш куни) ходимларнинг махсус сўм карта ҳисоб варақларига туширилишини талаб қилиш.
- 7.3. Махсус сўм карта ҳисобварағида амалга оширилаётган ўтказмаларнинг тўғрилигини текшириш.
- 7.4. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг ходимлари пластик карта ҳисобварақлари бўйича маълумотни банкга махсус хат тақдим этиб ўзининг махсус вакили орқали олади.

8. Томонларнинг жавобгарлиги

- 8.1. Хўжалик юритувчи субъект томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўтказилмаган ёки ўтказилиши кечиктирилган тақдирда Банк Хўжалик юритувчи субъект ходимлари олдида жавобгар ҳисобланмайди.
- 8.2. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг ходимларига пластик картани олган заҳоти уни ШИР кодини алмаштириш, уни сир сақлаш борасида тушунтириш ишларини олиб бориш жавобгарлигини олади.
- 8.3. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгардир.
- 8.4. Хўжалик юритувчи субъект “Uzcard_client.exe” дастури орқали бажарилган ҳар қандай амалиётларга жавоб беради.

8.5. Хўжалик юритувчи субъект “Uzcard_client.exe” дастури орқали ишчи ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларининг асл нусхаси ва электрон шаклидаги рўйхатини банкка тақдим этиш ҳамда бир хил бўлишига жавобгардир.

8.6. Ушбу шартнома тугатилганда хўжалик юритувчи субъект ходимларига очилган барча пластик карталарни 10 (ун) банк иш кунида қайтариш.

9. Шартноманинг тугатилиши

9.1. Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

9.2. Томонлардан бири шартномани бекор қилишдан 1 ой муддат олдин ёзма равишда иккинчи томонга огоҳлантириш хати тақдим этган тақдирда.

9.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда.

9.4. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши томонларни ушбу шартномага мувофиқ олдин қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10. Ўз ҳуқуқларидан воз кечиш

10.1. Хўжалик юритувчи субъектнинг ушбу шартнома шартларини ҳар қандай бузилиши сабабли банк томонидан қонуний талаб қилиш ҳуқуқидан ҳар қандай ихтиёрий воз кечиши бу борада кейинги ва бошқа давом этадиган қонун бузилишлар бўйича ҳуқуқни талаб қилишдан воз кечиш ҳисобланмайди.

11. Билдиришлар

11.1. Юридик (почта) адреслари, банк реквизитлари, ушбу шартнома бўйича бошқа ўзгаришлар тўғрисида билдиришлар ёзма равишда Хўжалик юритувчи субъект ёки банкнинг охириги аниқ ёхуд юридик манзилига курьер ёхуд почта орқали юборилиши керак.

11.2. Тарафлар томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун ичида рад жавоби берилмаган ҳар қандай ёзма билдиришлар қабул қилинган ҳисобланади.

12. Форс-мажор

12.1. Шартнома тарафлари томонидан ушбу шартнома имзолангандан сўнг юзага келган енгилмас куч, олдиндан ҳар қандай олди олинмаган табиий ҳодисалар оқибатида ўз мажбуриятларини қисман ёки тўла бажара олмаган тарафлар жавобгар эмасдирлар.

12.2. Ушбу табиий ҳолатларга қуйидагилар киради: сув тошқини, ер қимирлаши, ўт кетиши ва бошқа табиий офатлар, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар, шартнома тарафлари фойдаларига қатъий таъсир кўрсатувчи давлат тўғрисидаги ҳақиқатлар ҳамда ҳукумат ҳаракатлари ва тарафларнинг куч ҳамда иродаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар.

13. Шартноманинг амал қилиш муддати

13.1. Ушбу шартнома уч йил муддатга тузилди ва томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳақида шартнома тугатилганда 1 ой олдин ёзма равишда иккинчи томонни огоҳлантирмаса кейинги муддатга давом эттирилади.

13.2. Ушбу шартнома тугатилган тақдирда томонлар 1 ой муддат ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт.

13.3. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб юридик кучга киради.

14. Келишмовчиликларнинг ҳал қилиниши

14.1. Юзага келган келишмовчиликлар келишув йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди органларида кўриб чиқилади.

Ушбу шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

14. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«БАНК»

Банк номидан

М.Ў. имзо _____

«ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ»

Хўжалик юритувчи субъект номидан

М.Ў. имзо _____